

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR


DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО
ПОНИМАЕТ СМЫСЛ СВОЕЙ ЖИЗНИ.

LEV TOLSTOY
(1828-1910)



ОКТЯБРЬ

№45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
4-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-4**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-4**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА
ТУТГАН ЎРНИ**

1. Дилнозахон Каттахонова
ЛИДЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД СИЁСИЙ НАЗАРИЯЛАР ТАСНИФИ..... 7



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

ЛИДЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД СИЁСИЙ НАЗАРИЯЛАР ТАСНИФИ

Дилнозахон Каттахонова

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари

Аннотация: Мақолада сиёсий лидерлик инсон ҳаёти давомида унинг таълими, тарбияси, орттирган тажрибаси билан шакллантириладиган кўникма сифатида турли олим ва тадқиқотчиларнинг таснифлаш назариялари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Вазиятлар назарияси, Конституентлар назарияси, X ва У назарияси, Жон Хенризм назарияси, Шахсий самарадорлик назарияси.

Аннотация: В статье проанализированы теории классификации различных ученых и мклителей политического лидерства как навыка, формируемого у личности с течением времени, приобретением образования, воспитания и жизненного опыта.

Ключевые слова: Ситуационная теория, теория конституентов, теории X и У, теория Джона Генризма, теория самоэффективности.

Annotation: The article analyzes the theories of classification of various scientists and scholars of political leadership as a skill formed in an individual over time, the acquisition of education, upbringing and life experience.

Key words: Situational theory, theory of constituents, theories of X and Y, John Henrism theory, theory of self-efficacy.

Фан тарихида кўп олимлар раҳбар кадрлар тайёрлаш, инсонларда лидерлик кўникмаларни ривожлантириш орқали инсон капитали кадрини ошириш борасида илмий тадқиқот олиб борганлар.

Жумладан, Аллан Дэйл Томпсон 1986 йил “Бизнес-менежерлар ва мутахассислар учун индивидуаллаштирилган мураббийлик дастурини шакллантирувчи баҳолаш” (“A formative evaluation of an individualized coaching program for business managers and professionals”) мавзусидаги тадқиқотида¹ шахслараро (юмшок) кўникмаларни ривожлантириш дастурларини икки турга ажратади: жараёнга йўналтирилган дастурлар ва кўникмаларга йўналтирилган дастурлар.

Вазиятлар назарияси (В. Дилл, Т. Хилтон назарияси) лидерликнинг ташқи вазиятларга боғлиқлиги ғоясини қўллаб-қувватлайди, бунда лидер вазият функциясини бажаради, маълум воқеа ва ҳодисалар эса асосий роль ўйнайди. Ушбу назарияда лидернинг шахсий хусусиятлари инкор этилмайди, аммо уларга иккинчи даражали эътибор қаратилади, зеро, биринчи ўринда ташқи муҳит омиллари эътиборга олинади. Лидер ўзини намоён қилишида вазиятлар мантиқига риоя қилиши назарда тутилади, бунда лидер юз берадиган вазиятда режалаштирилган хатти-ҳаракатларни амалга оширади.

Конституентлар назарияси (Ф.Стэнфорд)га кўра, сиёсий лидер унинг ортидан эргашаётганларнинг (фаоллар, издошлар, электорат) умид ва интилишларини ифода этади, унинг мавқеи шахсий фазилатлари билан эмас, балки унинг оёққа туришига ҳисса қўшганларнинг талаб ва манфаатларига жавоб бера олиши билан белгиланади. Натижада ташқи омиллар таъсирида лидер ўзининг ижтимоий доирасини қўллаб-қувватлайдиган инсонлар қўлида “кўғирчоқ”қа айланиб қолади. Демак, лидерлик стилини танлашда, албатта, вазиятга тўғри баҳо бериш, уни чуқур англаш талаб этилади, бу жараён конкрет

¹ Thompson, Allan Dale. A formative evaluation of an individualized coaching program for business managers and professionals. University of Minnesota, PhD, 1986. – P. 25-46.



вазиятларга бевосита боғлиқ ҳисобланади. Лидер муайян вазиятда энг яхши самара берадиган стратегияни танлай олиши керак. Шу нуқтаи назардан, ўз лидерлик услубини турли вазиятларга мослаштира оладиган лидерлар энг самарали лидерлар саналади. Бироқ ҳар бир вазиятда лидер ўзини қандай тутиши билан боғлиқ масалаларни лидерликнинг хулқ-атвор назариялари ўрганади.

Лидерлик назариялари қаторида Дуглас Мак Грегор томонидан тавсия этилган “Х” ва “У” назарияси инсон мотивациясини икки қарама-қарши томондан таҳлил қилади. “Х” назариясига кўра, инсонлар ишдан ўзини олиб қочади, масъулиятни бўйнига олишни хохламайди, бошқарилишни афзал кўрадилар. Уларнинг мотивацияси доимий назорат, таҳдид, мажбурлаш ва жазо ҳисобланади. “У” назариясига кўра, ходимлар ўзларини ишлашга мотивация қилишлари учун уларга яхши меҳнат шароитлари яратишни назарда тутади. Бунда ходимларга мотивация сифатида мақтов, моддий рағбатлантириш хизмат қилиши мумкин.¹

Шахсий самарадорлик назарияси (Self-efficacy Theory) ичига 4 та асосий компонентни камраб олади: шахсий ютуқлар ва муваффақиятлар; ижтимоий қарашлар; ўзгалар тажрибасини кузатиш; инсоннинг физиологик ва эмоционал ҳолати. Ушбу назарияга кўра, лидерларнинг иш унумдорлиги шахсий ютуқлари ёки мағлубиятлари ҳамда атроф-муҳит, жамиятнинг уларга нисбатан қарashi ва муносабатларига чамбарчас боғлиқ экан.² Яъни, ёш лидерларнинг лавозимга тайинланиши ва меҳнат фаолияти олиб боришида шахсий самарадорлик назарияси муҳим роль ўйнайди. Бунда ёш лидерлар учун ўзига нисбатан ишончини ошириши, шахсни ривожлантиришга оид дастурлар, тайёрлов курсларининг аҳамияти қайд этилади.

Жон Хенризм назарияси бўлиб, у қийинчиликларга учраганда машаққатли меҳнат қилиб муваффақиятга эришиш иродасини англатади³, ушбу назария одатда, жамиятда камситиладиган инсонлар (имконияти чекланган, қора танли, кам таъминланган ва бошқа аҳоли қатламлари)га хос ҳисобланади. Шу билан бирга, ёшларга ҳам раҳбарлик лавозимларида ишлаш борасидаги тажрибаси камлиги сабабли менсимай ва ишончсизлик билан қарашлар мавжудлигини инobatга олсак, бу назарияни ёш лидерларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Трой Темпл ўз тадқиқотида ёш кадрларнинг черковлардаги фаолияти самарадорлиги, унга таъсир этувчи омилларни ўрганар экан, ёшларни нафақат давлат бошқаруви ёки парламент фаолиятига, балки черковдаги хизматга ҳам тайёрлаш муҳимлиги ҳамда тайёрлашнинг турли услубларини таклиф қилади. Тадқиқотда Клинтон назарияси келтирилган бўлиб, унга кўра, муносабатлар ва воқеалар иккита бирламчи восита сифатида инсонлар лидерга айланишига хизмат қилиши таъкидланади.⁴

Джон Максвел эса лидерликнинг беш босқичини ажратади. Мазкур назарияга кўра, лидерликнинг биринчи босқичи позицион лидерлик бўлиб, инсон раҳбарлик лавозимига тайинланганда ушбу босқичда бўлади. Бироқ кадрнинг ушбу лавозимда бўлиши унинг лидерлиги самарадорлигини англатамайди. Мазкур назариянинг сўнгги бешинчи босқичи инсоннинг шахсий фазилатлари ҳамда унинг фикрининг ўзгалар хатти-ҳаракатларига таъсири билан ўлчанади. Бу босқичда айнан лидерлик кўникмаларининг ривожланганлиги муҳим бўлса, ўрта – учинчи босқичда инсон лавозимининг таъсиридан шахсий натижалари таъсирга ўтиш кўзга ташланади. Яъни, учинчи босқичда лидерлик кадрнинг ташкилот учун қилган ишлари самарадорлигига қараб белгиланади.

Юқоридаги назария билан уйғун ҳолда Д. Максвел назарияси иш жараёнида ёш лидерлар сайқалланиши, уларнинг шахсий самарадорлиги, лидерлик кўникмалари ривожланиши билим, тажриба ва инсонлар билан муносабатлар олиб бориш, турли вазиятларда қарор

¹ Энциклопедия экономиста [Электронный ресурс]. – Режим доступа свободный <http://www.grandars.ru/college/psihologiya/teoriya-makgregora.html>.

² Mariam Teresa Railey. A Phenomenological Study of Black Women With Depression, Holding Senior Leadership Positions. University of Phoenix, USA. Dis., 2020. – P. 17.

³ Mariam Teresa Railey. A Phenomenological Study of Black Women With Depression, Holding Senior Leadership Positions. University of Phoenix, USA. Dis., 2020. – P. 56.

⁴ Troy Wayne Temple. An Analysis Of Youth Ministers’ Perceptions Of Character Qualities, Leadership Competencies, And Leadership Flaws That Facilitate Or Hinder Effective Youth Ministry. The Southern Baptist Theological Seminary, USA, 2007. – P. 30-41.



қабул қилиш, вазият, стрессни бошқариш жараёнлари орқали шаклланишини таъкидлайди, биз олимнинг ушбу фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, XX аср охирида ҳозирги даврдаги Буюк Британия маҳаллий бошқарувиغا хос бўлган ва янги шаклга солинган паттерн¹ вужудга келди. Сиёсатшунос олим М.Лафлин уни қуйидагича ифодалайди: 1) давлат умумий фаровонлиги учун муҳим бўлган, хизмат кўрсатишнинг кенг доираси учун масъуллик сифатидаги кўп функционаллик; 2) муаммоларни самарали тарзда ҳал этиш мақсадида кенг жамоавий имкониятларни яратиш учун кўплаб бошқарув иштирокчиларининг бирлашуви – алоҳида бошқарув ташкилотларининг кенг тармоқларга уланиши асосида фаолият юритиш² тажрибаси шаклланди.

XXI аср бошларига келиб маҳаллий бошқарув тизими самараси ошиб борди. Уни қуйидаги тавсифлар билан ифодалаш мумкин: 1) маҳаллий ҳокимият органларининг кўплаб бошқарув функцияларини мувофиқлаштириш қобиляти шаклланганлиги, шунингдек, маҳаллий ҳудудлар фаровонлиги ва ривожланиш стратегиясини танлаш имкониятига эга бўлганлиги; 2) маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий ҳудудий тузулмаларининг миллий даражадаги манфаатларини ифодаловчи бирдан-бир агентликка айланганлиги³.

Юқоридаги назариялар ва таҳлиллардан келиб чиқиб, тадқиқотда ёш лидерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш орқали ёшларда лидерлик кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларни давлат бошқарувиغا жалб қилиш юзасидан назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Chandler J. Local government in liberal democracies: an introductory survey/Ed. N. Y.; L.: Routledge, 1993.
2. Loughlin M. Legality and locality: the role of law in central-local government relations. Oxford: Oxford University Press, 1996.
3. Mariam Teresa Railey. A Phenomenological Study of Black Women With Depression, Holding Senior Leadership Positions. University of Phoenix, USA. Dis., 2020.
4. Thompson, Allan Dale. A formative evaluation of an individualized coaching program for business managers and professionals. University of Minnesota, PhD, 1986.
5. Troy Wayne Temple. An Analysis Of Youth Ministers' Perceptions Of Character Qualities, Leadership Competencies, And Leadership Flaws That Facilitate Or Hinder Effective Youth Ministry. The Southern Baptist Theological Seminary, USA, 2007.

¹ Паттерн [ингл. pattern намуна, қолип, тизим] – табиат ва инсоний бирликда учраб турадиган қонуниятли мунтазамлик, шунингдек, такрорланувчи қолип ва намуна.

² Loughlin M. Legality and locality: the role of law in central-local government relations. Oxford: Oxford University Press, 1996. – С. 80.

³ Chandler J. Local government in liberal democracies: an introductory survey/Ed. N. Y.; L.: Routledge, 1993. – P.1-2.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000